*Транспорт*

## ЯНГИ КОРХОНА ОДИМЛАРИ

**Тошкент Куюв-механика заводи «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги йирик корхоналардан бирига айланиб қолди. Республикамиз пойтахтидаги собиқ «Иргидромаш» заводи негизида ташкил топган бу корхона пўлат изларда ҳаракатланаётган юк вагонларини туб таъмирлаш билан шуғулланмоқда.**

Вагонларнинг умрини узайтириш йўлида амалга оширилаётган бу каби техник тадбирлар яхши самаралар бермоқда.

Жорий йилда завод таъмирлаш учун юборилган вагонлардан бир нечтасини қабул қилиб олди. Йилнинг биринчи чорагида таъмирланган вагонлардан 20 дан ортиғи режага қўшимча равишда бажарилди.

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**«Тошшаҳарюктранс» уюшмаси фаолияти йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда халқ хўжалиги юкларини манзилларига етказиб бериш режалари ҳам ўз вақтида адо этилмоқда.**

Жорий йилнинг биринчи чораги топшириғи ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Уюшма автокорхоналари орқали 873 минг тонна юк ташилди.

Бундан юзи ёруғ бўлган транспортчилар навбатдаги иккинчи чорак топшириғини ортиғи билан уддалашга киришдилар.

## ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛАДИ

**Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари оралиғида ҳаракатланаётган тезюрар поездлари хизматидан йўловчилар мамнун бўлишмоқда.**

Бу борада орттирилган тажриба Тошкент-Бухоро йўналишида тезюрар поездларни йўлга қўйишда қўл келади. Гап шундаки, ушбу йўналишда «Ўзбекистон» деб номланган электровозлардан ҳам фойдаланилади. 6000 квт. қувватга эга бўлган электровозга олтита тортиш двигатели ўрнатилган.

Янги йўналишдаги тезюрар поездлар қатновини таъминлаш мақсадида катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор вазифалардан бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳукуматимиз қарорларининг кўпчилиги ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, наслни соғломлаштиришга қаратилгандир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 365- сонли қарори ҳам халқимизга, айниқса фарзандларимизга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда 17-шаҳар клиник шифохонасида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ижросининг бажарилиши бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Оила" маросимлар маркази, Аллия бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари, ФҲДЁ бўлимлари раҳбарлари, туман ва маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, оилавий поликлиника ҳамда туғруқхоналарнинг бош шифокорлари, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Миралишер Исломов олиб борди. Йиғилиш қатнашчилари бугунги кунда никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида баъзи ҳолларда дуч келинаётган муаммолар ва камчиликларни баён қилиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар,

— Маълумки, келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун шаҳримизнинг 11 та туманида 12 та масъул поликлиникалар фаолият юритмоқда,—дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Маҳамадалиева.— Мақсад, соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир. 365- қарор ҳам айнан шу мақсадда узоқни кўзлаб чиқарилган. Шу қарорга асосан келин-куёвларнинг тиббий кўриги 5 та йўналишда олиб борилмоқда. Мана шу йилнинг биринчи чорагида 2866 та келин-куёв тиббий кўрикдан ўтган бўлса, 864 тасида турли хил касалликлар аниқланган ва шулардан 368 таси соғломлаштирилган. Уларнинг ичидан руҳий касалликлар 26 та, гиёвандлик бўйича 6 та, захм 10 та, сил 8 та, 2 та (ОИТС) СПИД касаллиги аниқланган. Лекин баъзан минг афсус, касаллик аниқланган ҳолатларда ҳам турмуш қуриб фарзандли бўлаётган оилалар ҳам учрамоқда. Лекин оқибати яхшилик билан тугамаяпти. Касаллиги аниқланган шахслар даволанмаганликлари натижасида туғма ногирон болалар дунёга келиши аниқ албатта. Шунинг учун бугунги йиғилишдан мақсад ҳам 365-қарорни тўла-тўкис бажариш, ёшларга унинг моҳиятини тушунтириш, соғлом ота-онадан фақат соғлом фарзанд дунёга келишини нафақат тиббиёт ходимлари, балки ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, «Оила» маркази ходимлари — ҳаммамиз биргаликда оилаларга кириб тушунтириш ишларини олиб борсак, ўйлайманки яхши самараларга эришамиз. Тиббиёт ходимлари касалликларни аниқлайди, лекин уларни даволаш ишларини охирига етказиш бу бутун жамоатчиликнинг ишидир. Минг афсус, баъзи ёшлар ёки ота-оналар орасида «Тиббий кўрикнинг нима кераги бор, болам соппа-соғ, эртага тўй бўлади, вақти йўқ» дегувчилар ҳам учраб туради. Ана шунинг учун маҳаллаларда, олий ўқув юртларида тушунтириш ишларини кўпроқ олиб боришимиз керак албатта. Бу борада «Оила» маросимлар марказларида ташкил қилинган «Ёш оила» мактабида олиб борилаётган ўқув машғулотлари, ёшларнинг оила психологияси бўйича билим савиялари, шу билан бирга ҳуқуқий ва тиббий онгини оширишда катта амалий ёрдам бермоқда.

Йиғилишда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишларида мавжуд муаммолар ва камчиликлар аниқланиб, таклиф -мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Дилором ИКРОМОВА**



*Иқтисодиёт*

## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Айни дамда «Alkim-tekstil» Ўзбекистон —Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг саксон фоизини хорижий давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган.**

Туркиянинг замонавий технологиялари ҳамда Германиянинг тикув ускуналари билан таъминланган корхона туркиялик тадбиркор Вадет Заимнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Низом жамғармаси асосида ташкил этилган. Мактаб ёшидаги ўсмирлар учун футболкалар, майкалар ва чақалоқлар учун кийим-бошлар ишлаб чиқарилаётган корхонада ҳозирда 150 нафардан зиёд ходимлар иш билан таъминланган.

Айни пайтда ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё яъни ип калава мамлакатимизда фаолият юритаётган «Кобул-Ўзбек CO LTD» ҳамда «Ойим-текстил» корхоналаридан олинмоқда.

Бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил қилган корхонанинг келгусидаги йиллик кўрсаткичини 5 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

**Набижон ҚУВОНДИҚОВ,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти магистранти.**

**СУРАТДА: корхона ёш ишчилари замонавий ускуналардан унумли фойдаланишмоқда.**
**Наталья Семёнова олган сурат.**

*Долзарб мавзу*

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР — ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ

**Нақд пул айланмасини мувофиқлаштириш, муомаладаги пулнинг қадрини ошириш ва кишилар қўлида кўп миқдордаги пулларнинг тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида бугунги кунда республикамизда барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қулай шаклидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарорига кўра Тошкент шаҳрида шу йилнинг 1 январидан бюджет ташкилотларининг ойлик маошларини пластик карточкалар билан бериш тизимига ўтиш белгиланган эди. Мутасадди идоралар маълумотига кўра, шаҳримизда 2004 йил 1 апрель ҳолатига 12 та тижорат банклари томонидан 91332 та миллий валютадаги пластик карточкалар чиқарилаётган бўлиб, булар ойлик иш ҳақи, иш ҳақи карточкалари эгаларига кредит олиш имконини берувчи, шахсий ва корпоратив турдаги пластик карточкалардир.

Бугунги кунда шаҳримиздаги «Ардус», «Демир», «Кохиз», «Бешёғоч» каби йирик корхоналарда савдо-сотиқ амалиёти пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, «Ўзавтотеххизмат», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, «Фармако» хусусий, «Висо» қўшма корхоналарида ишчи-хизматчиларга ойлик иш ҳақи пластик карточкада берилмоқда.

Хўш, бугунги кунда савдо корхоналари учун нақд пуллар қандай қулайликлар яратмоқда, фуқаролар бундан манфаатдорми, пластик карточка олиш тартиби қандай? Ушбу саволлар албатта ҳар бир кишини қизиқтириши табиий.

— Пластик карточкалар омонат касса сингари ишончлидир, — дейди жумладан «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари Санжар Адилов. — Бизнинг корхонада ҳам бугунги кунда ойлик иш ҳақи пластик карточкаларда берилмоқда. Бунинг қулайлиги шундаки, катта нархдаги харид учун катта миқдорда пул олиб юрилмайди. Агар нақд пул зарур бўлиб қолган ҳолларда банкоматлар орқали аниқлаштириб керакли сумма олинади. Пластик карточкада қолган пулларга ҳар ой фоиз қўшилиб борилади.

— Бугунги кунда бизнинг савдо шохобчамиз фаолияти ҳам пластик карточкалар ёрдамида амалга оширилмоқда, — дейди «Метро маркет» супермаркети ҳисобчиси. —Ҳозирда бу ерда «Асака» банкнинг Тошкент шаҳар филиали ва Миллий банк терминаллари ўрнатилган бўлиб, пластик карточкалар бўйича ойига 5 миллион сўмлик товар сотилмоқда. Агар буни фоиз ҳисобида келтирадиган бўлсак, савдонинг 10-12 фоизи пластик карточкаларда амалга оширилмоқда.

—Иш ҳақимни пластик карточкада оламан, — дейди «Ардус» супермаркетидан маҳсулот харид қилаётган харидор Назира Юсупова. — Ушбу карточкада чекланмаган пул маблағлари туриши мумкин ва хавфсизлик жиҳатдан катта устунликка эга. Шунингдек, ҳар бир карточка хусусий код билан ҳимояланган бўлиб, уни фақат эгаси билади холос.

Хўш, пластик карточкаларга эга бўлиш тартиби қандай?

Пластик карточкаларга эга бўлиш учун биринчи навбатда кишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат керак бўлади. Банк филиалига мурожаат қилингандан сўнг банк бошқарувчиси номига ариза ёзилади. Бир неча дақиқадан сўнг шахс номига пластик карточка расмийлаштирилиб берилади.

Янги электрон пул эгаси энди ўз ҳисобидаги маблағни ишончли қўлга топширгани аниқ. Яъни пластик карточкада турган пул ўғирланмайди, йўқолса қайта тикланади ва энг муҳими, ушбу пуллар эгасига ҳам, давлатга ҳам фойда келтиради.

**Виктория НАЗАРОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети магистранти.**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# «НУРОНИЙ» ДАГИ ҚАҲҚАҲАЛАР

**Ҳозирги жорий йилимизнинг — Сиҳат-саломатлик йили дея аталиши халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Кексами, ёшми — кимлигидан қатъи назар ҳар бир инсон учун биринчи галда саломатлик зарур. Мана шуни назарда тутган ҳолда юртимизнинг барча жойларида ҳукуматимизнинг бу борадаги дастури асосида катта ишлар амалга ошириляпти. Аҳолига замон талаби даражасида тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари амалда қўлланилмоқда...**

**Оилаларимизу маҳаллаларимиз кўрки ва файзи ҳисобланган қарияларимиз асосан шаҳримиздаги "Нуроний" сиҳатгоҳида даволанадилар, кўнгилдагидек дам оладилар. Ширинсўз, меҳрибон шифокорлар эса онахон ва отахонлар дардларига малҳам бўладилар, уларга худди ўз фарзандларидек хизмат кўрсатадилар. Бу сиҳатгоҳда ҳар пайшанба кунлари қариялар бир бўлишиб, ўз бошларидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеа-ю, ҳодисаларни эслашиб гурунглашади. Қуйида ана шундай ҳангомалардан баъзилари билан танишасиз.**

## ЛАҲЗАЛИК АСКИЯ

**Мирзабува** — Дўстим Қурбонқори, чопонни елкага ташлаб, сиҳатгоҳга хайр-маъзурни насия қилиб келаверибсиз-да, лоақал кампирим уйда зерикиб қолади, демай-а?

**Қурбонқори** — Ҳой Мирзабува, кампирим асло зерикмайди, уни невара-чеваралари музқаймоқ билан боққани боққан. Хўш, ўзлариники-чи?

**Мирзабува** — Бизники унақа музқаймоқхўрмас. Агар зерикадиган бўлса уйда қолдириб келган бахмал чопонимни ҳидлаб мени эслаб ўтираверади, "Чолгинамни соғиндим" деган ашулани минғиллаб айтиб.

**Қурбонқори** — Қойил қолдирдингиз мени, Мирзабува. Кампирга ўргатган ашулангиз ўрисчасига айтганда "Долга играющий пластинка"га ўхшаш экан-да, то бу ердан боргунингизча секин айланаверадиган. Сиз бўлсангиз, мен билан аския айтишиб, яйраб-сайраб юрибсиз!

**Мирзабува** — Энди етар, Қори! Бўлмаса дамланган ошимиз тагига олиб, ланж бўлади!

— Қани, қозонни очинг!

## КАМПИРИМНИНГ ҲАЗИЛИ

Қизим туғуруқхонада бўлгани учун кампирим унинг болаларига қараб туриш учун куёвникига кетганди. Ўтган куни бирдан уйимиздаги телефон жиринглаб қолди.

— Алло, бу ким?

— Овозимдан танимадингизми? — деди бир бегона аёл.

— Танигандайман. Рисолатхонга ўхшайсиз.

— Йўқ, топмадингиз.

— Унда кимсиз?

— Яхшилаб эсланг!

— Эслолмаяпман.

— Ҳа, қариб қолибсиз. Бундан йигирма йил аввал сизга "бир куни мени унутиб юборасиз", демаганмидим, ўша гапим эсингизга тушдими?

— Э бўлди, Санобархон экансиз.

— Яна топмадингиз. Қариликни бўйинга олибсиз, шекилли.

— Қаришга қаридим. Соқол, мўйлов қўйиб, ҳасса таянаман. Нима эди ўзи?

— Унда, ҳув ўша Кумушкон сиҳатгоҳини эсланг, бирга дам олганимизни!

— Топдим. Жуда довдиратиб қўйдингиз Мавжудахон. Яхшимисиз, турмуш қургансиз, деб эшитгандим, бир вақтлар. Фарзандлар ҳам бордир?

— Ҳозир икки ўғил, бир қизим бор. Уччови мактабга боради. Ўзингизчи?

— Бизда ўн олти невара, бир чевара бор. Яқинда ўртанча қизим кўзи ёриганди, кампирим, ўшаникига бориб болаларига қараб туришга кетган.

— Унда уйда бир ўзингиз экансиз-да?

— Йўқ. Катта неварам шу ерда, у нон дўконга кетганди, ҳозир келиб қолади.

— Зерикмаяпсизми?

— Зерикканда нима қилардим, тақдирга тан бериб, ғивирлаб юрибман...

— Ҳа чолим тушмагур, роса бопладимми, овозимни бошқача қилиб гапириб. Ҳалигача ўша Мавжудахонларингизни эсларкансиз-да!

— Э сенмидинг, кампир! Ҳазилинг қурсин, роса мени лақиллатдинг! Қизингникида бироз зерикканга ўхшайсан, қачон унга жавоб бераркан, билдингми?

— Бугун тушдан кейин.

— Унда мен ҳам борай, янги неварамни кўрай.

— Невара кўришга ошиқманг, мен уйга борганимдан кейин келасиз, қанақа суюнчи, кўрмана олиб келишингизни айтаман.

— Қойил, менга ақл ўргатишингга борман, кампир!

**Хандапаз: Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

Юрий ШИКАНОВ

# РОЛЬ ЎЙНАСАМ БЎЛАРКАН

ҲАЖВИЯ

Кеч. Совуқ ёмғир томларда чирманда чертиб, чироғи ўчган ойналарни ювади. Кўчалар ҳўл. Шаҳар чеккасидаги пастқам кўчалардан бирида совуқдан жунжиккан йўловчи ёнига икки нотаниш киши келди.

— Ҳой ўртоқ, бир зум тўхтанг.

— Мана турибман, сиз милицияданмисиз?

— Йўқ, биз... Бошқа ташкилотдан, сиз айтган идоранинг аксидан, - жавоб берди ҳаводай тундлик билан бири ва қўшиб қўйди.

— Пулдан чўз.

— Ҳамённи чиқар бу ёққа, - бўғиқ товуш билан дўқ урди иккинчиси. - Бўлмаса биқинингдан пичоқ ейсан.

— Пичоғинг ўткирми? - сўраб қолди йўловчи.

— Тиғи таррон, оҳ дегани ҳам улгурмайсан.

— Айни муддао. Қани бошланглар бўлмаса, - деди йўловчи хотиржам. - Уст-бошимни ечайми, ёки шундоқ...

Бир дақиқа жимлик чўкди.

— Нега бошланглар деяпсан? - хавфсираб сўраб қолди биринчиси.

— Саволга на ҳожат, бўла қолинглар.

— Сен бизни лақиллатма. Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Бизга пулдан чўз.

— Балки қулоқ чаккангга боплаб туширишни кутиб тургандирсан, - деди бўғиқ овоз.

— Қулоқ чаккамга? - ҳайратланиб товуш чиқарди йўловчи. - Бўлмайди. Осонликча қутулмоқчимисанлар. Тушларингни сувга айт. Қани сўйинглар, тезроқ бўла қолинглар. Вақтим зиқроқ.

Йўлтўсарлар бир-бирларига қараб олишди. Жимиб қолишди. Бўғиқ товушлиси янада бўғилиб қолди.

— Бу замонавий тўравачча жонидан ҳам мол-дунёсини афзал кўради чоғи, - файласуфона сўз қотди биринчи йўлтўсар.

- Менга қаранглар. Бўлмайсанлармиди тезроқ, - қатъий талаб этди йўловчи. - Қани дадилроқ бўлинг. Бирор кимса ўтиб, яна чўчитиб қўймасин. Мен барибир ўзимни дарёга ташлагани кетаётирман. Дарёгача бир талай йўл бор. Бу ёғи оёқ кийимим дабдала. Шалаббо бўлиб кетди.

— Ақлдан озган кўринади. Менга ёқмаяпти у. Кетдик Плафон, бу одам йўлидан қолмасин.

— Сабр қил бироз, - хирилдоқ товуш тилга кирди. - Билиш керак ахир. Нега у ўзини-ўзи чўктирмоқчи. Менга қара биродар, нега бундай қилмоқчисан?

Йўловчи бурнини енги билан артиб аламли йўталди:

— Ҳаммасига шу пул, лаънати пул сабаб. Сиз Нилькани билмайсиз? Мол-дунёга муккасидан кетган, ҳали кундуз пальто, ҳали кремплин, ҳали яна алланима... Мана кўриб турибсиз оқибатини... - Йўловчи яна бир хўрсинди. - Дўкон молини ўзлаштириб қўйгандим. Эртага текшир-текшир...

Энди йўловчи кўз ёшларини енги билан эмас, бошидаги телпаги билан артди.

— Қарз олиб турсанг бўлмайдими, кўз ёшдан не фойда? Ачиниб маслаҳат берди бўғиқ товуш.

— Ҳеч ким қарз бермаяпти. Сўраб кўрдим. Шундоқ ҳам ўзим қарзга ботиб ётибман. Бирор кимсага кўрингани қўрқаман. Ҳамма берган қарзини сўрайди. Сабр косам тўлди. Ўзимни сувга ташлайман, тамом.

— Дўконнинг молидан анча ўмардингми? - қизиқсиниб сўради Плафон деган бўғиқ товушлиси. - Масалан қанча?

- Кўп ҳам эмас. 200 доллар топсам бўларди.

- Ана холос. Бизда бунча пул йўқ. Ҳали бунча тўплаганимиз йўқ. «Ишга» яқинда чиқдик.

— Қанча бор бўлмаса? - қизиқсинди йўловчи. - Ёрдам қилиб юборсаларинг яхши бўларди. Ахир ўзларинг қарз ол деяпсанларку.

Ўғрилар бир-бирларига қараб олишди. Чуқур нафас олиб чўнтакларини кавлаб кетишди. Кейин бор-йўғини чиқариб санашди.

— Мана ҳаммаси бўлиб 55 доллар экан, - деди Плафон бўғилиб.

— Анави пистирма чўнтакдагичи? - йўловчи биринчи йўл тўсган ўғрига ўгирилди. У у ёқ бу ёғини кавлаб, истамайгина яна беш доллар чиқарди.

— Бу жуда ҳам оз. Майли наилож. Кераксиз пулларинг. Яхши қолинглар. Ўзимни сувга ташлагани кетдим.

- Сабр қилсангчи хомкалла. Мана буларни олиб тур, - Плафон бор бисотни йўловчининг чўнтагига тиқди. - Яна бироз юр, балки биздақалардан учратиб қоларсан.

— Майли, гапларинг маъқулга ўхшайди. Яна бироз юриб турайчи.

Йўловчи тун оғушида дарҳол кўздан ғойиб бўлди.

— Менга қара, - хирилдоқ товушли тилга кирди. - Ахир у дарё томондан келаётгандику...

Йўловчи йўлда кетаркан, хурсандлигидан лой-сувни парво қилмай кечиб борар эди. «Ана, ишонтирдимку. Демак роль ўйнасам бўларкан. Одамларга таъсир эта оларканман. Гамлетни ҳам ўйнасам бўлади. Режиссёр бўлса, менга ишонмай бош ролларни бермай келади».

**Русчадан таржима.**

# ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Бир киши сув ичида типирчилаб, «Ёрдам беринглар, чўкяпман» деб дод-фарёд қилар эди. Қирғоқдан бегона йўловчи ўтиб қолди ва деди:

— Нега бунчалик дод-фарёд қиласан?

— Сузишни билмайман-да!

— Худо отангнинг жойини жаннатда қилгур, мен ҳам билмайман, лекин сенга ўхшаб дод-фарёд кўтармаяпман-ку!

* * *

Бир кишининг қулоғи узун ва хаста эди. Бошқа бир киши унинг устидан масхара қилиб деди:

— Қулоқларинг ўзингга мос экан.

У киши деди:

— Ҳа, тўғри айтасан! Лекин сенинг қулоқларинг эшакникидан анча кичик экан.

* * *

Бир шох навкарларидан бирига озғин ва ўлар ҳолатдаги отни совға қилди. От ҳолсизлигидан манзилга етмай йўлда жон берди. У киши шоҳга шу мазмунда хат йўллади:

«Улуғ шоҳим, менга берган отингиз дунёдаги энг чопқир отлардан экан. Бу дунёдан охиратга бир соатда етиб борди».

* * *

Бир киши дўстидан сўради:

— Агар бир аёл бир кунда битта кўйлак тикса, иккитаси нечта тикиши мумкин?

— Яримта кўйлак.

— Математикани яхши билмайсанми?

— Яхши биламан. Лекин аёллар бирга ишласа, гапи кўпайиб бир яримта кўйлак тикилмай қолади-да!

## ЛАТИФАЛАР

Афанди мулладан сўради:

— Айтингчи, қандай одам сувга тез чўкади?

— Албатта гуноҳкор одам, - жавоб берди у.

Афанди хурсанд бўлиб деди:

— Жанобларининг чўмилмасликлари сабаби энди маълум бўлди.

* * *

Афанди масжид ёнидан ўтиб кетаётган эди, имом унга деди:

— Агар хайр қилсанг, биринг ўн бўлади.

Афандининг бисотида битта эчкиси бор эди, уни масжид имомига садақа қилди. Ўша куни ҳалиги эчки имомнинг тўққизта эчкисини орқасидан эргаштириб Афандининг уйига кириб борди. Имом эчкиларини сўроқлаб, дарагини Афандининг уйидан топди. Имом эчкиларини талаб қилган эди, Афанди унга деди:

- Ўзингиз «хайр қилсанг биринг ўн бўлади» деб фатво берган эдингизку. Мен хайр қилдим, бирим ўн бўлди, - деди имомнинг эчкисини қайтармай.

* * *

Судда Афандидан сўрашди:

- Ўзингизни ҳимоя қилиш учун яна гапиришни истайсизми?

— Истайман, адвокатнинг тажрибасизлик қилганини эътиборга олсангиз бўлгани, — деди Афанди.

* * *

Кечқурун овқатланиб ўтирганда хотини Афандига деди:

— Азизим, бугунги овқатим сизга маъқулми?

— Қўй жонгинам, бир пас тинч ўтирайлик, - деди Афанди хотинига.

* * *

Тунда цирк биносига қўлига кўрпа-тўшакларини кўтариб бир киши кириб келди ва тезда қоплоннинг қафасига кириб тунай бошлади. Қоплон бирикки наъра тортдида, тилларини чиқариб, лабини ялай бошлади. Буни кўриб турган қоровул аввалига қўрқди, сўнг таажжубланиб сўради.

— Кечирасиз, жаноб. Сиз бу ерда нима қилмоқчисиз, қўрқмайсизми?

— Йўқ, қўрқмайман. Чунки мен ҳайвон ўргатувчиман.

— У ҳолда нега сизга меҳмонхонадан жой беришмади?

— Беришганди, бироқ у ерда сичқонлар кўп экан. Ухлай олмадим, ҳар ҳолда қоплон сичқондан кўра хавфсизроқ.

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Ранг-баранг олам*

## ВЕЛОСИПЕДДА ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИГА

Индонезиялик спортчилар Бамбат Нертади ва Мамай Салимни Африкадаги энг баланд чўққи — Килиманджарони эгаллашларига на кучли шамол, на қор майдонлари ва на тош уюмлари тўсқинлик қила олмади. "Қорли Килиманджаро"ни забт этишнинг ажойиб ва ғаройиб томони шундаки, бу индонезияликлар 5895 метр баландликдаги Ухуру чўққисигача велосипедда чиққанлар. Улар покришкаси сал кенгроқ, оддий стандартдаги велосипедлардан фойдаланганлар. Чўққини забт этганларнинг гапларига қараганда пастга тушиш айниқса мароқли бўлган.

Ҳозир индонезияликлар Африкадаги бошқа чўққи — Кенияни забт этишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар келгусида Ҳимолай тоғидаги олти минг метрли чўққилардан бирини ҳам мўлжаллаб туришибди.

## РЕМОНТДАГИ КУРАНТ

Лондоннинг Вестминстер кварталидаги минорага ўрнатилган машҳур курант Англия пойтахти узра бонг уришдан тўхтади. Ёзги вақтдан қишки вақтга ўтиш учун Буюк Британиянинг "бош соатини" бураётган мутахассислар курант механизмида дарз кетган жойлар борлигини пайқаб қолдилар. Шу туфайли бузилган қисмларни ремонт қилиш учун тўхтатиб қўйишга қарор қилинган.

Туристлар пойтахтда томоша қиладиган диққатга сазовор жойлардан бири бўлган "бош соат"нинг тўхталишини лондонликлар кутилмаган тасодиф, деб афсус билан тилга олмоқдалар. Гап шундаки, атиги икки йил олдин соат 1,7 миллион фунт стерлинг сарфланиб таъмирланган эди.

## ЯНГИ УСУЛНИНГ ФОЙДАСИ

Австралиялик фермерлар кейинги пайтларда ўз қўйларини кийинтириб боқаётганликлари ҳақида анча илгари хабар қилган эдик. Маълум бўлишича, шундай қилинганда жуннинг ва терининг сифати анча-мунча ошар экан. Шунингдек, қўйлар махсус аралашмалар билан боқилмоқда. Янги усул билан олинаётган Австралия терилари жаҳон бозорида олдингисидан уч баравар ортиқ баҳоланмоқда, деб хабар беради Испаниянинг "Эл паис" газетаси.

*Тадбирлар*

# ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

**Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро келажагимиз ақлли, доно, иқтидорли, илмли ва соғлом болалар қўлидадир.**

Яқинда "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида "Оила — муқаддас Ватан" мавзуида ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги тўртинчи машғулоти бўлиб ўтди. Мазкур машғулот Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи, Никоҳ ва оила маросимлари маркази, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент шаҳар 1-перинитал маркази, "Меҳри" аёллар жамияти билан ҳамкорликда ўтказилди.

— "Оила-муқаддас ватан" ёш оила қурувчилар мактабининг асосий мақсади оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий саводхонлигини оширишдан иборатдир — дейди Никоҳ ва оила маросимлар маркази раҳбари Марҳамат Йўлдошева. — Ёшларга оила муқаддаслигини тушунтириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, оилага оид ҳукумат қарорлари, дастурлари, кўрсатмалари бўйича тушунчалар бериш, бўлажак келин-куёвларни ҳаётга тайёрлашни яхшилаш, турмуш қийинчиликларини бартараф этишга ўргатиш, соғлом оила барпо этишда тиббий кўрикнинг аҳамияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш мактабнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Дарҳақиқат, ушбу ўқув машғулотлари давомида мактаб тингловчилари, балоғат ёшига етган йигит-қизлар ҳамда оила қуриш учун ФҲДЁ органларига ариза берган ёшлар ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, социолог олимлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашадилар.

Кечада Тошкент шаҳар "Меҳри" аёллар жамияти раиси Наима Ҳолмуҳамедова "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари", тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Назира Шайхова эса, "Сурункали гепатит касаллигининг олдини олиш — оилада соғлом муҳит гарови" мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шунингдек, Адлия бошқармаси етакчи мутахассисларининг Юртбошимизнинг "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" рисоласи ҳақидаги маърузалари тингланди.

Қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда, мазмунли ва мароқли ўтган ўқув машғулоти барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси

**ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

**2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: (9-синф базасида)

**Қурилиш-пардозлаш ишлари**. Сувоқчилик, бўёқчилик, кошинлаш ва мармар ишлари.

**Сув таъминоти ва канализация тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш**, "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Газ таъминоти тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш**, "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Дурадгорлик ва паркет ишлари**. Қурилиш дурадгори, пол ва паркет ишлари устаси.

**Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва давлат инвентаризацияси. Давлат кадастри бўйича ҳуқуқий маъмурий фаолият.** Кўчмас мулк регистратори. Кадастр бўйича ҳуқуқшунос.

**Техник-архитектор.**

**Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш**, "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Менежмент.** Офис ва корхоналар менежери.

**Молия.** Бюджет ташкилотлари ва корхоналарини молиялаштириш. Аудит назорати.

**Бухгалтерия ҳисоби**. Иқтисодий таҳлил, аудит назорати.

**Компьютер графикаси**. Компьютер графикаси бўйича дизайнер, ЭҲМ оператори.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА:
(11-синф базасида)

Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш.

Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

Бино ва иншоотларни қуриш, улардан фойдаланиш.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.

Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспортининг нусхаси.

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 485- уй.
Тел. 397-79-32, 397-61-97.
20,53,35,46,87-автобусларнинг "Оқтепа" бекати.

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
республика бирлашмаси

*Тошканбой Эгамбердиев номли*

*Тошкент Давлат цирки*

**Икки бўлимдан иборат катта, ранг-баранг байрам дастури**

**шанба, якшанба кунлари соат 15.00 да бошланади**

**14, 15, 21, 22, 28, 29 май ва 1 июнда 15.00 да бошланади.**

**Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.**

**Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.**

**Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.**

**Касса соат 9.00 дан ишлайди.**

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Акмал Икромов номли 39-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Ғайратилла Нигматиллаевич Сайдовов номига 1997/98 ўқув йилида берилган O'R-AN 352954 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

*газеталари таҳририяти*

*реклама агентларини*

*ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● ҲИКМАТ. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узоқ сафар?» Жавоб берди: «Садоқатли дўстни қидириш сафари!»

Байт:

**Қидирган нарсани**
**топиш мумкиндир,**
**Бироқ содиқ дўстни**
**топмоқ муаммо!**

● Абул Аббос шундай дер эди: «Очликдан бетоқат бўлмагунимча, асло таом емадим, шунинг учун табибга ҳеч ишим тушмади!» — Фард:

**Табобатда шундай**
**ёзганин кўрдим,**
**Очлик даво эрур**
**барча иллатга!**

● Ейиладиган овқатлар тоза ва соф бўлмоғи керак. Масалан, офат етмаган тоза буғдой, шу буғдой унидан қилинган овқатлар, гўшт эса соғлом хайвон гўшти бўлиши билан бирга яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос бўлиши, узум ва анжир каби мевалар эса яхши пишган бўлиши лозим.

Камолиддин Исмоил Бухорийнинг тиб китобида ёзилишича, кишининг қорни тўқ бўлса-ю, бошқа овқат олдига келтириб қўйилса, ундан асло емаслиги керак. Бундан ташқари қаттиқ ва оғир меҳнатдан кейин нозик овқатлардан, сут ва балиққа ўхшаган нарсалардан еб бўлмайди. Чунки бу пайтда ошқозон ниҳоятда қизиб кетган бўлади ва унга тушган нозик овқатлар қизиб кетиб, тезда бузилади. Ошқозонида иссиқлик ўрнаб қолган кишилар совуқ овқатлардан тановул қилишлари, масалан, гўр узум ёки ошқовоқ ейишлари керак.

● ҲИКОЯТ. Айтишларича бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди.

Байт:

**Давлат ўйин учун**
**эмас жаҳонда,**
**Ўзни сақлаш учун**
**доим омонда!**

Ота ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлар пайтида унга насиҳат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг барини беҳуда сарфлаб битирасан. Қўлингда ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ўлимингга рози бўласан. Мен нариги уйнинг бурчагидаги томнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзингни ўша арқонга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай барча пулларни сарфлаб тамомлади. Охири гадойлик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйнига солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб ерга тушди. Шу он тупроқ аралаш отаси атайлаб ўғли учун беркитиб кетган бойликлар ҳам ерга тушди. Меҳнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни хушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди. Назм:

**Кишида бўлмаса**
**давлат удир хок,**
**Давлатли кишига**
**жаҳонда не бок!**
**Давлат гоҳи келиб,**
**гоҳида кетар,**
**Бефаҳм кишилар**
**ўзни йўқотар.**

# ВАРШАВАДА ЎЗБЕК КИНОЛАРИ НАМОЙИШИ

***Польша пойтахтида Ўзбек киноси ҳафталиги муваффақият билан якунланди***

Польшалик кино мухлислар учун «Ўзбеккино» миллий агентлиги кўмагида еттита бадиий фильм танлаб олинган эди. Жумладан, қатор халқаро танловларнинг мукофотларига сазовор бўлган асарлар ҳам улар орасидан ўрин олганди. Ушбу фильмларни тақдим этиш учун режиссёр Ж.Қосимов ҳамда агентликнинг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи О.Пирова Польша пойтахтига келишди.

Ўзбек киноси ҳафталиги тадбирининг расмий очилиш маросимида Польша Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Р.Миклинский, «Фильм польски» агентлиги директори А.Голоневский, Варшавада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.

Р.Миклинский ўз чиқишида икки томонлама муносабатлар тарихида илк маротаба ўтказилаётган ушбу Ўзбек киноси ҳафталиги Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтиришга қаратилганини қайд этди.

Ўзбек кино усталари Варшавада маҳаллий томошабинларнинг катта олқишларига сазовор бўлишлари баробарида Польша журналистларининг ҳам эътибори марказида турдилар – ушбу тадбир кўпгина маҳаллий нашрлар учун ўз ўқувчиларини мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан атрофлича таништиришга жуда қулай имконият яратди.

Ўзбек киноси ҳафталиги доирасида «Ўзбеккино» вакиллари Польша Республикаси Маданият вазирлиги, «Фильм польски» агентлигининг вакиллари, «Народной фильмотеки» ҳамда Польша режиссёрлар жамияти раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар ўтказишди. Варшава Ҳужжатли ва бадиий фильмлар студияси муҳаррири Е.Шонборн билан бўлиб ўтган учрашув чоғида кўшма фильмларни суратга олиш ҳамда икки мамлакат кино усталари ўртасида мустаҳкам ижодий алоқаларни ўрнатишга катта қизиқиш билдирилди.

Шунингдек, Польша томонининг ташаббуси билан Лодзьск шаҳридаги Кино, телевидение ва театр мактабининг раҳбарияти билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда ушбу билим даргоҳи ҳамда Тошкент Давлат санъат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш масалалари муҳокама этилди. Варшава кинофестивали ташкилий қўмитаси аъзолари эса «Ўзбеккино» вакилларига жорий йилнинг ноябрида бўлиб ўтадиган кино анжуманида иштирок этиш учун ўзбек режиссёрлари ишлаган бадиий фильмларни мазкур фестивалнинг саралаш комиссиясига юборишларини сўрашди.

**«Жаҳон» АА.**

## УМР ЗОЕ КЕТМАСИН

Ҳовлимизда мевали дарахтларнинг барчасидан бор. Улар орасида биргина шотут йўқ. Ҳар баҳор шу дарахт ниҳолини ўтқазиб парваришлашни орзу қиламан. Лекин турли юмушлар билан бўлиб унут бўлади. Эслаганимизда эса кеч, экиш мавсуми ўтган бўлади.

Бу йил астойдил аҳд қилган эдим. Шунга кўра дам олиш куни қадрдоним Убай боғбонникига йўл олдим. Эшикни тақиллатсам ичкаридан унинг набираси чиқди.

— Бобонг уйдамилар чароғим.

— Боғимиздалар.

Убай чолнинг уйи орқасида чамаси бир гектар ташландиқ ер бор. Шу жой йиллаб қаровсиз ётди. Убай чол маҳалла аҳли билан кенгашиб, шу ерни обод қиладиган бўлди.

— Жўра, яхши ўйлабсиз, — дейишди фаоллар, — шундай қаровсиз ётгандан кўра обод бўлгани яхшида. Лекин тошлоқ ерни ўзлаштиришнинг ўзи бўлмайди.

— Сизлар рози бўлсаларингиз бас, эплайман. Ахир кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганлар.

Маҳалладошлар бир овоздан қўллаб-қувватлашди чолни. У шу йили ишга киришди. Ерни бир чеккасидан юмшатиб тошларини эринмай бирма-бир териб олди. Кейин унинг устига машина-машина соғ тупроқ тўктирди. Қувур орқали насос ёрдамида ёнидаги каналдан сув келтирди. Эрта баҳор билқиллаб турган ерга турли-туман мевали дарахтларни ўтқазди. Ниҳолларнинг парвариши билан мунтазам ўзи шуғулланди. Уларни дорилади, оқлади, шакл бериб қайчилади. Орадан йиллар ўтиб ташландиқ ерда шундай бир боғ яратдики, ҳозир бу боғни кўрсангиз жаннат дейсиз.

Убай чолни ҳамиша шу боғдан, дарахтлар орасидан топасиз. У ҳар йили янги-янги сархил ниҳоллар экиб уларни парваришлашдан чарчамайди. Боғда турли ниҳол кўчатлари етиштириб одамларга беминнат улашади.

— Уларнинг ҳосилини мен емасам бошқалар ейди. Дуода гап кўп. Ахир бекорга ҳам машойихлар «Олтин олма дуо ол», деганларку, — дейди.

Убай чол мени кўргач шу томон юрди.

— Эй, бормисиз биродар. Сизни кўрадиган кун ҳам бор эканку. Омонлашдик.

— Сизни ишдан қўймадимми ишқилиб?

— Иш ўз йўлига, меҳмон отангдек улуғ, биродар. Хуш келибсиз, нечук шамол учирди?

— Сизнинг шамолингизда, — кулишдик. Кейин мақсадга ўтдим. — Бир юмуш билан келувдим.

— Буюрсинлар азизим. Қўлимиздан келадиган хизмат бўлса бош устига.

— Шу денг ҳовлимизга бир туп шотут экмоқни ният қилган эдик. Шунга...

— Жуда соз. Шотутнинг серҳосил навидан бор. Дарахт экккан кам бўлмайди, азизим. Бутун умр бўйи бир туп ниҳол экиб-ўстирмайдиган одамларга ачинаман. Эссиз зое кетган умр дейман.

Убай чол билан анча гурунглашгач, охирида у икки туп шотут ниҳолини қўлимга тутқазди.

— Ҳамма нарса жуфти билан бўлгани яхши. Бир туп ниҳолга топилган жой, иккинчисига ҳам топилиб қолар.

Ота билан хайрлашиб йўлда бораркнман, унинг «Умр бўйи бир туп ниҳол экиб ўстирмаган одамга ачинаман» деган сўзларини эсладим. Кейин ҳовлимиздаги дарахтларни кўз олдимга келтириб, хайрият умрим зое кетмабдида, деб қўйдим.

## ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

Икки девор-дармиён қўшни ўртасидаги жанжалга болаларнинг тўп тепиб ўйнаши сабаб бўлди. Собиржоннинг тепган тўпи кутилмаганда Салим аканинг деразасига бориб тегди. Ойна чил-чил синди. Болалар тумтарақай бўлиб қочишди. Ичкаридан хонадон эгаси Салим ака югуриб чиқди. Қилмишидан қўрқиб нима қилишини билмай турган Собиржонга ўшқирди.

— Ким синдирди?

— Мен...

— Падарингга лаънат, нега синдирасан бировнинг ойнасини?

— Тўп тегиб кетди.

— Оёғинг сингур, неча марта айтаман, деразанинг тагида футбол ўйнама деб.

— Кечиринг, амаки...

— Бойвачча отангга айт, кечгача ойнани солдириб берсин. Бўлмаса ҳаммангни кунингни кўрсатаман.

Шов-шувни эшитиб қўшнилар чиқишди. Улар Салим ака қулоқ чўзма қилаётган Собиржонни ҳимоя қилишди.

— Ҳой, кап-катта киши бу нима қилганингиз, кичкина болани қўрқитиб. Сабил қолгур ойнангизнинг битта кўзи шу боладан азиз бўптими?

— Ёнини олларинга, олларинг. Шунақа қилиб болаларингни талтайтириб ўстирдиларинг. Сенлар яхши, битта Салим ака ёмон.

— Вой амаки, қўйинг отаси келсин бугуноқ ойнангизни кўзлатиб берамиз, — ўртага тушди Собиржоннинг онаси.

Ойна баҳона икки қўшни ўртасига совуқчилик тушди. Салим аканинг енгилтак ва жиззакилиги сабаб эркаклар анчамунча сан-манга бориб қолишди.

«Тил яраси битару, дил яраси битмас» деганларидек, қўшнилар ўртасидаги аччиқ араз давом этиб турган кунларнинг бирида Салим ака қаттиқ оғриб қолди. Ярим тунда қайга югуришни билмаган оила аъзолари ён қўшни Собиржоннинг отаси, тажрибали жарроҳ Ҳаким аканинг эшигини қоқишга мажбур бўлишди.

Ҳаким ака ўтган гапни эслатиб, гина-гудурат қилиб ўтирмади. Зудлик билан ёрдамга шошилди. Ўша тундаёқ унинг қистови билан Салим ака касалхонага ётқизилди. Уни тезда операция қилишга тўғри келди. Шифокорлар бепарволик натижасида икки кун нари-берисида ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турган кўричак ёрилиб кетган деган хулосага келишди. Уни ким операция қилади? Шу топда мана шу савол ўртага кўндаланг бўлди.

— Қўшни, — деди Салим ака оғриқнинг зўридан зўр-базўр Ҳаким акага мурожаат қилиб, — илтимос мени ўзингиз операция қилсангиз.

Ҳаким ака иккиланиб ўтирмай таклифни қабул қилди. Операция оғир кечди. Қил устида қолган беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эртасига ундан хабар олгани палатага кирган Ҳаким акани кўриб, Салим ака кўзидан дув ёш тўкди. Қўшнисига миннатдорчилик билдирди.

Кўп ўтмай Салим ака оёққа туриб кетди. Шу воқеа боис қўшнилар бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлиб кетишди. Шундан бери Салим ака «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган сўзни тез-тез такрорлаб юрадиган бўлиб қолди.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5009 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 2 3 4 6